



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASINING QARORI

20 22 yil « 29 » iyul

№ 413

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасалари орқали электрон рақамли имзо бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 24 июлдаги ПФ–6269-сон Фармониغا мувофиқ, шунингдек, хорижда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет давлат жисмоний ва юридик шахслари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга кўрсатиладиган барча давлат хизматларидан эркин фойдаланиш имкониятини берадиган электрон рақамли имзо калити сертификатини беришни жорий қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасалари орқали электрон рақамли имзо бериш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

хорижда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, чет давлат жисмоний ва юридик шахслари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан электрон рақамли имзо калити сертификатини олиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари консуллик бўлимлари ва консуллик муассасаларига мурожаат қилиш тартиби;

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари консуллик бўлимлари ва консуллик муассасалари томонидан хорижда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, чет давлат жисмоний ва юридик шахслари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш тартиби;

электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиш муддати.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси хорижда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, чет давлат жисмоний ва юридик шахслари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга электрон рақамли имзо калити сертификатларини Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари консуллик бўлимлари ва консуллик муассасалари томонидан бериш мақсадида ахборот алмашинуви электрон тизимини йўлга қўйсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва илмий фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.Х. Шерматов ҳамда ташқи ишлар вазири в.б. В.И. Норов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “29” июлдаги 413 -сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасалари орқали электрон рақамли имзо бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари консуллик бўлимлари ва консуллик муассасалари (кейинги ўринларда – консуллик муассасаси) томонидан хорижда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, чет давлат жисмоний ва юридик шахслари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга (кейинги ўринларда – талабгор) электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

расмий ахборот ресурси – электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда – ЭРИ) калитларини рўйхатдан ўтказиш ва ЭРИ калитлари сертификатларини олиш учун жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг раҳбарлари томонидан электрон ҳисоблаш машинаси воситасида ЭРИ ёпиқ калитини яратиш ва сақлаш имкониятини таъминлаб берувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги “Янги технологиялар” илмий-ахборот маркази (кейинги ўринларда – ваколатли орган) расмий веб-сайти;

ЭРИ ёпиқ калитининг пароли – ЭРИнинг ёпиқ калитидан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган шартли белгилар кетма-кетлиги;

ЭРИ калити эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат – фуқаролик биометрик паспорти (идентификация ID-картаси), хорижга чиқиш биометрик паспорти ва фуқаролиги бўлмаган шахсининг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати;

ЭРИ калитининг сертификати – ЭРИнинг очиқ калити ЭРИнинг ёпиқ калитига мослигини тасдиқлайдиган ва ЭРИ ёпиқ калитининг эгасига ваколатли орган томонидан берилган электрон ёки қоғоз шаклидаги ҳужжат;

ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш – ЭРИ калитининг сертификати амал қилишини тўхтатиб туриш ёки қайта тиклаш ёхуд уни бекор қилиш;

ЭРИнинг ёпиқ калити эгаси – ЭРИни яратган (электрон ҳужжатга имзо қўйган) ва ваколатли орган томонидан унинг номига ЭРИ калити сертификати берилган жисмоний шахс.

3. Консуллик муассасаси орқали ЭРИ калитларини рўйхатга олиш ва ЭРИ калитлари сертификатларини бериш ваколатли орган томонидан идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизими орқали амалга оширилади.

4. Консуллик муассасаси ва ваколатли орган ўртасидаги ҳаракатлар ЭРИдан фойдаланган ҳолда идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизими орқали амалга оширилади.

5. ЭРИ калитлари сертификатларини бериш учун Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 24 декабрдаги ПҚ–2095-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Консуллик йиғимлари тарифида белгиланган миқдорда консуллик йиғимлари, шунингдек, консуллик ҳаракатларини амалга оширилганлик билан боғлиқ ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ–3654-сон қарорига асосан консуллик ҳаракатларини амалга оширганлик учун консуллик йиғимларидан тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига – 70 фоиз, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик хизмат органларини ривожлантириш жамғармасига – 30 фоиз нисбатида тақсимланади.

6. ЭРИ калити сертификатининг амал қилиш муддати ЭРИ рўйхатга олинган вақтдан бошлаб 24 ойдан ошмаслиги керак.

2-боб. ЭРИ калитининг сертификатини бериш тартиби

7. ЭРИ калитини рўйхатдан ўтказиш ва ЭРИ калитининг сертификатини олиш учун талабгор консуллик муассасасига қуйидаги ҳужжатлар билан бевосита мурожаат қилади:

шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асли (консуллик муассасаси мансабдор шахси томонидан текширилади ва талабгорга қайтариб берилади);

жисмоний шахслар учун – Ўзбекистон Республикасида олинган жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;

юрidik шахслар учун – юрidik шахснинг тўлиқ номи ва солиқ тўловчи идентификация рақами қайд этилган нотариал тасдиқланган юрidik шахс хати;

белгиланган миқдорда консуллик йиғими ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғим тўланганлиги тўғрисида квитанция.

Агар ЭРИ ёпиқ калити эгаси юрidik шахснинг вакили (юрidik шахснинг раҳбари бундан мустасно) бўлса, сўровномага ЭРИ ёпиқ калити эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими кўрсатилган ҳамда ушбу ЭРИ ёпиқ калити эгасига ЭРИ калитларини ва ЭРИ калитининг сертификатини бериш тўғрисида юрidik шахснинг хати (нотариал тасдиқланган ишончнома) илова қилинади.

Талабгордан ушбу Низомда кўрсатилмаган маълумотларни, шунингдек, бошқа ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян тақиқланади.

Консуллик муассасаси томонидан ЭРИ калити сертификатини олиш учун талабгордан ҳужжатларни қабул қилмасликка қуйидагилар асос бўлади:

ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилмаганлиги;

қалбаки ҳужжатлар тақдим этилганлиги;

ЭРИ калитининг сертификатини бериш учун консуллик йиғими ва ҳақиқий харажатлар ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғим тўлиқ амалга оширилмаганлиги.

8. ЭРИ калитининг сертификати ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича берилади.

9. Консуллик муассасасининг мансабдор шахси талабгор номидан ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ электрон шаклдаги сўровномани тўлдиради ҳамда талабгор томонидан имзоланишини таъминлайди.

10. Консуллик муассасаси ЭРИ калити сертификатини бериш тўғрисидаги сўровномани қабул қилгандан сўнг ундаги маълумотларни консуллик муассасаси мансабдор шахсининг ЭРИси билан тасдиқлаган ҳолда, ваколатли органнинг ахборот тизимига идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизими орқали юборади.

11. Ваколатли орган ахборот тизимида консуллик муассасаси томонидан юборилган маълумотларни кўриб чиқади, реал вақт режимида ЭРИ калитининг сертификатини расмийлаштиради ёки ЭРИ калитининг сертификатини беришни асослантирган ҳолда рад этади.

12. Ваколатли органнинг ахборот тизимида сўровномани кўриб чиқиш натижаларига асосан расмийлаштирилган ЭРИ калитининг сертификати электрон хужжат шаклида консуллик муассасасига идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизими орқали юборилади.

13. ЭРИ ёпиқ калитининг пароли ваколатли орган томонидан сўровномада кўрсатилган электрон почта манзилига электрон хат шаклида юборилади. ЭРИ ёпиқ калити эгасининг консуллик муассасасига бевосита қилган мурожаатига асосан сўровномада кўрсатилган электрон почта манзили ўзгартирилиши ёки ЭРИ ёпиқ калитининг пароли қайта юборилиши мумкин.

14. ЭРИ калитининг сертификатини олиш учун ЭРИ ёпиқ калитининг эгаси консуллик муассасаси мансабдор шахсига ЭРИ калитларини ва ЭРИ калитининг сертификатини электрон хужжат шаклида ёзиб қўйиш ва сақлаш учун ўзга маълумотлар манбаини тақдим этади.

15. Консуллик муассасасининг мансабдор шахси ЭРИ калитини ва ЭРИ калитининг сертификатини ЭРИ ёпиқ калити эгасига бериш вақтида куйидагиларни амалга оширади:

ЭРИ ёпиқ калити эгасининг шахсини тасдиқловчи хужжат асосида унинг шахсини аниқлайди;

таркибида рўйхатга олинган ЭРИ калитлари ва электрон хужжат шаклидаги ЭРИ калитининг сертификати бўлган файлни талабгор томонидан тақдим этилган ўзга маълумотлар манбаига ёзиб қўяди ва файлнинг ёзилганлигини текширади ҳамда уни бир иш куни мобайнида эгасига топширади;

ЭРИ калитининг сертификати қоғоз хужжат шаклида талаб этилган тақдирда, ЭРИ калитининг сертификати чоп этилади ва консуллик муассасасининг мансабдор шахси томонидан имзоланади ҳамда консуллик муассасасининг муҳри босилиб, ЭРИ ёпиқ калити бир иш куни мобайнида эгасига берилади.

16. Консуллик муассасасининг мансабдор шахси ЭРИ калити сертификатини ЭРИ ёпиқ калити эгасига бериш жараёнида талабгор томонидан тақдим этилган ўзга маълумотлар манбаидаги маълумотларга ўзгартириш киритиши, улардан нусха олиши ва ўчириши, ўзида сақлаши ҳамда ЭРИ ёпиқ калити эгасидан ЭРИ ёпиқ калити паролени сўраб олиши тақиқланади.

17. Ваколатли орган томонидан ЭРИ калитининг сертификатини беришни рад этишга қуйидагилар асос бўлади:

талабгор тақдим этган сўровномада нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

талабгорнинг хужжатларни зарур тарзда расмийлаштирмай тақдим этиши.

Бошқа асосларга кўра, шу жумладан, ЭРИ калитининг сертификатини бериш мақсадга мувофиқ эмас деган сабаблар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

18. Ваколатли орган ЭРИ калитининг сертификатини беришни рад этиш тўғрисидаги хабарномани унинг аниқ асосларини кўрсатган ҳолда консуллик муассасасига юборади.

19. Консуллик муассасаси ваколатли орган томонидан ЭРИ калити сертификатини беришни рад этилганлиги тўғрисида талабгорни хабардор қилади. ЭРИ калитининг сертификатини бериш рад этилганда, тўланган йиғим қайтарилмайди.

20. ЭРИ калитининг сертификатини беришнинг рад этилишига асос бўлган сабаблар талабгор томонидан бартараф этилган тақдирда, сўровномани қайта кўриб чиқиш талабгор томонидан консуллик муассасасига ваколатли орган томонидан рад этилишига асос бўлган сабабларни бартараф этган ҳолда тақдим этилган сўровнома олинган вақтдан бошлаб ушбу Низомнинг 7-14-бандларида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

Сўровномани қайта кўриб чиқишда ваколатли орган томонидан ЭРИ калитининг сертификатини бериш илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этилишига йўл қўйилмайди. Такрорий мурожаат кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

3-боб. ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш

21. ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш учун ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ электрон шаклда сўровнома консуллик муассасасига бевосита мурожаат қилган ҳолда тўлдирилади.

ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш бепул амалга оширилади.

22. Агар ЭРИ ёпиқ калитининг эгаси юридик шахснинг вакили бўлса ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисидаги сўровнома билан бирга ЭРИ ёпиқ калити эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими кўрсатилган ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисида юридик шахснинг хати (ишончнома) тақдим этилади.

Бунда талабгор ЭРИ ёпиқ калитининг эгаси бўлса, ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш учун юридик шахсининг хати (ишончнома) талаб этилмайди.

23. ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисидаги сўровномани қабул қилиш вақтида консуллик муассасасининг мансабдор шахси ЭРИ ёпиқ калити эгасининг шахсини тасдиқловчи хужжати асосида унинг шахсини аниқлайди.

Бунда ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш учун юридик шахс хати (нотариал тасдиқланган ишончнома) тақдим этилганда, ЭРИ ёпиқ калити эгасининг шахсини аниқлаш талаб этилмайди.

24. Консуллик муассасаси ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисидаги сўровномани қабул қилгандан сўнг уни ваколатли органга юборади.

25. Ваколатли орган ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисидаги сўровномани реал вақт режимида кўриб чиқади ва сўровномада кўрсатилган ЭРИ калитининг сертификати билан зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширади.

26. ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисидаги сўровномани кўриб чиқиш натижалари ва ЭРИ калитининг сертификати билан амалга оширилган ҳаракатлар ҳақидаги маълумотлар ваколатли орган томонидан консуллик муассасасига электрон хужжат шаклида юборилади.

27. Консуллик муассасаси ЭРИ калитининг сертификати билан амалга оширилган ҳаракатлар ҳақида талабгорни хабардор қилади.

4-боб. Консуллик муассасаси мансабдор шахсларининг ЭРИ калитларини рўйхатдан ўтказиш ва сертификат бериш ҳамда берилган сертификатларни бошқариш

28. Ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик-ҳуқуқий департаменти мурожаати асосида консуллик муассасаси мансабдор шахсининг ЭРИ калитларини бепул рўйхатдан ўтказди, сертификатларни беради ва берилган сертификатларни бошқаради.

29. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Консуллик-ҳуқуқий департаменти ваколатли органда рўйхатдан ўтказилган ЭРИ калитлари ёрдамида консуллик муассасаси мансабдор шахсларига ушбу Низомда назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш учун ЭРИ калитларини рўйхатдан ўтказди, сертификатларни беради ва берилган сертификатларни бошқаради.

5-боб. Яқунловчи қоида

30. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Ўзбекистон Республикасининг
хориждаги консуллик муассасалари
орқали электрон рақамли имзо бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

**Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари
консуллик бўлимлари ва консуллик муассасалари томонидан хорижда
бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек,
чет давлат жисмоний ва юридик шахслари ҳамда фуқаролиги бўлмаган
шахсларга электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш мuddати
1-босқич	Талабгор (хорижда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, чет давлат жисмоний ва юридик шахслари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар)	Электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда – ЭРИ) калити сертификатини олиш учун Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхонаси консуллик бўлими ёки консуллик муассасасига ўзи келган ҳолда мурожаат қилади.	Хошишига кўра
2-босқич	Талабгор (хорижда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, чет давлат жисмоний ва юридик шахслари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар)	Консуллик йиғими ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғим тўловини амалга оширади. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 24 декабрдаги ПҚ–2095-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Консуллик йиғимлари тарифида белгиланган миқдорда)	Мурожаат қилинганда
3-босқич	Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхонаси консуллик бўлими ёки консуллик муассасаси	1. Талабгор номидан сўровномани тўлдиради. 2. Сўровномани унга илова қилинган хужжатлар билан биргаликда идоралараро ваколатли органга юборади. (электрон тарзда, идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизими орқали)	Бир иш кунида
4-босқич	Ваколатли орган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги “Янги технологиялар” илмий- ахборот маркази)	1. Ахборот тизими орқали тақдим этилган маълумотларни кўриб чиқади. 2.1. Сўровномада нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги аниқланмаса – ЭРИ калитларини рўйхатга олади ва ЭРИ калити сертификатини расмийлаштиради ҳамда уларни тегишли дипломатик ваколатхона консуллик бўлими ёки консуллик муассасасига юборади. (электрон тарзда, идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизими орқали)	Сўровнома киритилган вақтнинг ўзида, автоматик тарзда

		<p>2.2. Сўровномада нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги аниқланган ҳолда – ЭРИ калитининг сертификатини беришни асослантирган ҳолда рад этиш хабарномасини тегишли дипломатик ваколатхона консуллик бўлими ёки консуллик муассасасига юборади. <i>(электрон тарзда, идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизими орқали)</i></p>	
<p>5-босқич</p>	<p>Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхонаси консуллик бўлими ёки консуллик муассасаси</p>	<p>1. Ваколатли органдан ЭРИ калитларини ва ЭРИ калити сертификатини ёки асосланган сабабларга кўра рад этиш хабарномасини қабул қилади. 2. ЭРИ калитларини ва ЭРИ калити сертификатини ёки рад этиш хабарномасини талабгорга беради. Бунда: ЭРИ ёпиқ калити эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида унинг шахсини аниқлайди; ЭРИ калитларини ва ЭРИ калити сертификатини талабгор томонидан тақдим этилган ўзга маълумотлар манбаига ёзади ва тақдим этади; <i>(флэйш-хотира, ташиқи дисклар ва бошқаларда)</i> қоғоз ҳужжат шаклидаги ЭРИ калити сертификатини расмийлаштиради ва тақдим этади. <i>(талаб этилган тақдирда)</i></p>	<p>Бир иш кунида</p>



Ўзбекистон Республикасининг
хориждаги консуллик муассасалари
орқали электрон рақамли имзо бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Электрон рақамли имзо калити сертификатини олиш учун СЎРОВНОМА

I. Мурожаат мақсади:

- 1-1 Электрон рақамли имзо калити сертификатини бериш
1-2 Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш
1-3 Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини қайта тиклаш
1-4 Электрон рақамли имзо калити сертификатини бекор қилиш

II. Мурожаат қилувчи тўғрисидаги маълумотлар:

- 2-1 Жисмоний шахс
2-1-1 Фамилияси:
2-1-2 Исми:
2-1-3 Отасининг исми:
2-1-4 Фуқаролиги:
2-1-5 Ўзбекистон Республикасида олинган жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР):
2-2 Юридик шахс
2-2-1 Юридик шахснинг тўлиқ номи:

2-2-2 Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)

Изоҳ: 2-2, 2-2-1 ва 2-2-2-бандлар жисмоний шахс – юридик шахс раҳбари ва/ёки вакили сифатида сўровномани тақдим этганда, 2-1-бандга қўшимча равишда тўлдирилади ва сўровномага юридик шахснинг хати (нотариал тасдиқланган ишончнома) илова қилинади.

- 2-3 ЭРИ ёпиқ калитининг пароли ва сўровномани кўриб чиқиш натижаси тўғрисидаги хабарномани юбориш учун электрон почта манзили

III. Қўшимча маълумотлар:

- 3-1 Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришда/қайта тиклашда/бекор қилишда:
3-1-1 Электрон рақамли имзо калитининг сертификати:
3-1-1-1 Серияли тартиб рақами:
3-1-1-2 Берилган сана: ____ . ____ . ____ й.
3-2 1) *Оммавий оферта талаблари ва шартлари билан танишиганимни ва унга риоя этишни ўз зиммамга олишимни тасдиқлайман.*
2) *Тақдим этилаётган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқлайман*
3) *Ишончсиз маълумотлар тақдим этилган тақдирда, давлат хизмати кўрсатишининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда рад этилиши мумкинлиги менга маълум*

- 3-3 Талабгорнинг имзоси

IV. Хизмат бўйича қайдлар

- 4-1 Сўровномани қабул қилиш санаси ва вақти: ____ . ____ . ____ й.
4-2 Сўровномани уникал рўйхатдан ўтказиш рақами
4-3 Консуллик мансабдор шахсининг имзоси, исм шарифи ва лавозими